

Филиалимиздаги фаолият

2021 йил 5 март куни институтимизнинг Қарши филиали қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган академик лицейининг битириувчи синф ўқувчилари институтимизга ташриф буюришди. Улар учун "Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш" факультетида касбга йўналтиришга бағишенланган тадбир ташкил этилди. Ўқувчиларга институт ҳақидаги ролик намойиш этилди.



Факультет декани Р.Хакимов институтда тайёрланаётган бакалавр таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, институтнинг халқаро алоқалари тўғрисида ҳамда талабаларнинг билим олиши, юқори малакали олий маълумотли кадрлар бўлиб етишиши учун яратилган шароитлар тўғрисида маълумотлар берди.



Ўқувчиларда институтга кириш учун қайси фанларга эътиборни кучайтириш кераклиги, тайёрланаётган мутахассисларни келажаги тўғрисида қатор саволлар туғилди. Берилган саволларга факультетнинг декани, малакали профессор ўқитувчилари томонидан атрофлича жавоблар олишди. Ўқувчилар институт Ахборот-ресурс маркази, лабораториялари, ўқув бинолари, спорт соғломлаштириш мажмуаси билан танишдилар.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати